

Қозоғистон жаҳон

ОАВларида:

Август ойи ўрталарида жаҳон оммавий ахборот воситалари Қозоғистоннинг турли соҳалардаги тараққиёти ҳақида янгиликлар тарқатди. “Шимол – Жануб” кенг кўламли транспорт йўлагининг шарқий қисмини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Туркияга экспорт қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, Павел Дуровнинг қозоғистонлик ўқувчиларга грант ажратиши, Транскаспий халқаро транспорт йўналиши бўйича контейнер юк ташиш ҳажмини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқинг.



Trend:

Қозоғистон ва Туркменистон “Шимол – Жануб” транспорт йўлагининг шарқий қисмини ривожлантиришдан манфаатдор

Бу ҳақда Қозоғистон Бош вазири ўринбосари Серик Жуманғарининг Туркменистон Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Транспорт ва алоқа агентлиги бош директори Мамметхан Шакиев билан учрашувида маълум қилинди.

Учрашув иштирокчилари Афғонистонда Турғунди – Ҳирот темир йўлини куриш, Турғунди орқали Хитойга юк ташишни кўпайтириш масаласини ҳам муҳокама қилди.

Томонлар Хитой-Қозоғистон – Туркменистон – Эрон қўшма йўлаклари ва “Шимол – Жануб” йўналиши учун рақобатбардор тариф шартларини муҳокама қилишди.

Маълумки, 2024 йил июль ойида Қозоғистон, Россия, Эрон ва Туркменистон “Шимол – Жануб” йўлагини ривожлантириш бўйича йўл харитасини имзолаган эди. Шунингдек, Трансафғон темир йўлининг фарбий тармоғидан фойдаланишга қарор қилинди.

“Шимол – Жануб” халқаро транспорт йўлаги Санкт-Петербургни Эрон ва Ҳиндистон портлари билан боғлайдиган 7200 чақиримли кенг қамровли йўналишидир. Бу Сувайш канали орқали Европани Форс кўрфази ва Ҳинд океани мамлакатлари билан боғловчи денгиз йўлининг муқобили ҳисобланади.

Йўлакнинг фарбий ва шарқий тармоқлари Эронни кесиб ўтади. Фарбий тармоғи Решт орқали автомобиль транспортидан, шарқий тармоғи эса темир йўл транспортидан фойдаланади. Эрондаги охириги манзил Бандар Аббос портидир. У ердан денгиз орқали Ҳиндистонга юк жўнатиш мумкин. Фарбий тармоғи ҳам Озарбайжондан ўтади, шарқий тармоғи эса Қозоғистон ва Туркменистонга тегишли.

Дағу:

Қозоғистон Туркияга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишни режалаштирмоқда

Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Туркия билан қишлоқ хўжалиги савдоси соҳасида ҳамкорлик ортиб бораётганини маълум қилди.

Туркиянинг етакчи компанияларидан бири бўлган Atmaда Gida Қозоғистондан ясимқ етказиб бериш ҳажмини оширишдан манфаатдор.

Лойиҳа Қозоғистоннинг кичик ва ўрта қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, уларга ўз маҳсулотларини сотиш ҳажмини кенгайтириш имконини беради.

Қозоғистон Tiryaki Holding билан 250 минг тонна буғдой етказиб бериш бўйича меморандум имзолади. Tiryaki Holding Астанада донни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Шунингдек, “Туркия Ғалла бошқармаси” компанияси бош директори Ахмет Гулда билан музокаралар олиб борилиб, унда Туркияга Қозоғистон ғалласини етказиб бериш ҳажмини ошириш ва Қозоғистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга Туркия сармоаларини жалб қилиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Бунгача Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш барқарор ўсиб бораётгани маълум – 2023 йил якунларига кўра, унинг ҳажми 6 миллиард долларга етган. Эндиликда икки давлат бу кўрсаткични 10 миллиард долларга етказишни мақсад қилган.



CentralAsia:

Павел Дуров Қозоғистон қишлоқларида болаларнинг таълим олиши учун 356 минг доллар ажратди

“VKontakte” ижтимоий тармоғи ва Telegram мессенжери асосчиси Павел Дуров грантга номзод бўлган қозоғистонлик ўқувчиларни шахсан танлаб олди ва нуфузли IQanat мактаби асосчиси билан боғланди.

Маълумотларга кўра, Дуров Қозоғистон қишлоқларидан келган болаларни нуфузли IQanat мактабидан ўқитиш учун 356 минг доллар миқдорида 12 та грант ажратган. Грантга номзодларни ўзи танлаб олди ва мактаб асосчиси, VI Group раҳбари Айдин Рахимбаев билан музокаралар олиб борди.

Дуров Қозоғистон мактабларига тасодифан ташриф буюрмаган. Ўзи ҳам иқтидорли мактаб битирувчиси бўлса-да, бундай муассасаларга алоҳида қизиқиш билдиради, натижада қишлоқдаги болаларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қарорга келди.

24.kz.

Жанубий Қозоғистон

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 20 август, сешанба, №91 (3437).

»» Президент

Қишлоқ тараққиёти – иқтисодиёт таянчи

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар маҳсулини бугун ҳар биримиз турмушимизда бўлаётган ўзгаришлар, тева-рак-атрофимизда кечаётган янгиланиш жараёнлари мисолида ҳис этиб туриб-миз. Янги Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги тарихий ислохотлар самараси халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани эса алоҳида таъсирга сазовор.



Ислохотлар самарадорлиги, эришилган иқтисодий натижаларимиз сўнгги йилларда яққол кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос. Бир вилоят ичидаги туманларнинг имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис Давлат раҳбари шаҳар ва вилоятлар иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда, жойларда аҳоли билан мулоқотда бўлиб, белгиланаётган чора-тадбирларнинг ижросини назорат қилмоқда.

Давлат раҳбари Ақмўла ви-

лоятга амалий ташрифи доирасида ҳам қатор маданий ва ижтимоий иншоотларга бориб, уларнинг жамоалари билан мулоқотда бўлди. “Родина” қишлоғидаги маданият уйига ташрифи чоғида номдош агрофирма бош директори Иван Сауэр Президентга амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳалар ҳақида ахборот берди. Ўтган йили корхона томонидан тадбиркорликнинг ижтимоий масъулияти доирасида қишлоқни қўллаб-қувватлаш ва ободонлаштириш учун 791 миллион тенге маблағ ажратилгани айtilди.

Давлат раҳбари маданият уйи санъаткорлари ижросидаги «Достық шуағы» композициясини томоша қилди, аҳоли билан суҳбатлашди.

– Мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди, – деди Президент. – Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Қозоғистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, мада-

ниятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз лозим.

Ушбу соҳани қўллаб-қувватлаётган Иван Адамович Сауэрнинг хўжалиги ҳақида кўп эшитганман. Дехқон хўжалиги улкан, ҳар томонлама илғор. Барчага бахт ва фаровонлик тилайман, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Бундан ташқари, Президент «Наша родина» супермаркети, «Достық» истироҳат боғи ва ҳудуддаги умумтаълим мактабини кўздан кечирди.

Akorda.kz.

Аҳоли мурожаатлари ечим топмоқда

Вилоятимизда аҳоли мурожаатлари босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди навбатдаги шахсий қабулини ўтказиб, фуқароларнинг мурожаатларини тинглади.



Сайёр қабулда вилоят раҳбарига фуқаролар томонидан йўланган мурожаатлар тегишли тартибда муҳокама этилиб, уларга доир тушунчалар берилди.

Қабулга келган барча фуқаро-

ларга ўз муаммоларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Эркин шаклда ўтказилган қабулда фуқароларнинг аксарияти шахсий масалалар билан муро-

жаат қилишди. Бошпана масаласини кўтарганлар, ижтимоий ёрдам сўраганлар ҳам бўлди. Шунингдек, сайёр қабул давомида фуқаролар томонидан иш билан таъминлаш, ички йўллар ва кўп-

рик таъмирлаш масаласида қилинган мурожаатлар ўрганилиб, тегишли масъулларга йўналтирилди ҳамда ижроси назоратга олиниши алоҳида таъкидланди.

Сайёр қабулда ҳуқуқ-тартибот идоралари, тегишли идоралар раҳбарлари, масъул мутахассислар муаммони мақбул ҳал этишда иштирок этди.

Аҳоли муаммолари юзасидан вилоят ҳокимига egov.kz портали, ягона электрон маълумотлар базаси орқали киритилиб, ҳокимга ёзма равишда мурожаат қилинганлиги юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Эслатиб ўтамиз, вилоят ҳокимининг шахсий қабулига ёзилган Туркестон вилояти ҳокими девонининг аризалар билан ишлашни назорат қилиш бўлими томонидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МЕҲНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ: 1 сентябрда янги қўмита ташкил этилади

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузурида Давлат меҳнат инспекцияси қўмитаси фаолиятини бошлайди. Бу ҳақда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ақмади Сарбасов Давлат раҳбари топшириқлари ижроси бўйича Республика кенгашида маълум қилди.

Вазир ўринбосари меҳнатни муҳофаза қилиш миллий бошқарув тизимини замонавийлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди. – Хавфсиз меҳнат ша-



роитини таъминлаш, шу жумладан, асосий бизнес жараёнларини автотоматлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2025 йилдан бошлаб касбий хавфларни мажму-

вий баҳолаш тартибига ўтилади ва махсус ташкилотларга қўйилган талабларни кучайтириш режалаштирилган. – деди Ақмади Сарбасов. У 2024 йил 6 августда Қозоғистон Республика-

си Ҳукуматининг Давлат меҳнат инспекцияси қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилгани ҳақида маълум қилди. – Бу меҳнат қонунчи-

24.kz.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ҚР Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева хизмат сафари билан Туркистон шаҳрига ташриф буюрди. Дастлаб вазир раислигида тарихий-маданий мерос масалаларига доир мажлис ўтди. “Буюк Дашт эли” музейида ўтган учрашувда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ҳамда мутасадди раҳбарлар, олимлар иштирок этди.



ВАЗИР – ТУРКИСТОНДА

Унда Миллий курултойнинг учинчи мажлисида Давлат раҳбарининг топшириғи – Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишлаб халқаро симпозиум ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Сўнг Яссавий мақбарасини асраб-авайлаш мақсадида олиб борилаётган тадбирлар муҳокама қилинди.

Яссавий мақбарасининг олд қисмида олиб борилаётган ободонлаштириш ишларининг 2-босқичи баён этилди. Ишни бошлашдан аввал ЮНЕСКО билан келишиш лозим эди, ammo ушбу жараён олиб борилмаган. Олимлардан иборат ишчи гуруҳни тузиш топширилди.

Бугунги кунда кўпчилик қадим масканларни диний манзилгоҳ деб ҳисоблайди. Фақат Қуръон тиловат қилинади, миллий қадриятлар билан қизиқмайди, буюк шахсларни кўпчилик танимайди. Мақбарадаги чирокдан тортиб, унинг тарихига доир маълумотларни ҳар бир қозоғистонлик билиши шарт. Сайёҳдон масаласини ҳал қи-

лиш ҳамда маърифий ишларни кучайтириш, шунингдек, қисқа видеолавҳалар тайёрлаш топширилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбасари Зулпихар Жўлдасов мавзу юзасидан маъруза қилди. Муҳим масалага илмий жиҳатдан ёндашиш зарурлигини таъкидлади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг мероси ҳисобланган “Хилват” ерости масжидининг аҳамияти

беқиёс. Туркиялик ҳамкасблар иншоотни музейлаштириш таклифини йўллаган. Музейлаштириш – илмий, соҳавий нуқтаи назардан асосланган лойиҳа бўлади.

Хизмат сафари доирасида Аида Балаева Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасида бўлиб, у ердаги таъмирлаш ишлари билан танишди. Сўнг Мониторинг марказига бориб, унинг фаолиятига баҳо берди.



САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Туркистон шаҳрида “Санъатсевар ўлка” вилоят санъат фестивали доирасида Келес туманининг маданият кунлари поёнига етди.

Байрам тадбирида Келес тумани ҳокими вазифини бажарувчи Даурен Сариев сўзга чиқиб, фестивалнинг аҳамия-

тига тўхталди. Тумanning қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида гапириб, ташриф буюрган томошабинларга миннатдорчилик билдирди.

Тадбирда Сержанали Алибек, Адилет Жауғашар ва Серик Ибрагимов ва Абдижаппар Алқўжа сингари эстрада юздузлари ҳамда туман санъат-

корлари иштирокида ташкил этилган катта концерт шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига кўтаринки кайфият бағишлади. Туманда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси уюштирилди. Миллий таом турлари кўрғазмаси намойиш этилди.

МАЖМУА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Сўзоқ тумани маркази – Чўлоққўрғонда 200 ўринли “Спортсоғломлаштириш” мажмуаси барпо этилмоқда.

Туман ҳокими Мухит Турисбеков иншоотнинг курилиш жараёни билан танишиб, пудратчи муассасага мажмуани белгиланган муддатда ва сифатли яқунлашни топширди.

Икки қаватли бинода волейбол, баскетбол майдонлари ҳамда кураш, бокс учун мўлжалланган заллар ҳам мавжуд.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ



Жетисай тумани, Асиқата қишлоғида замонавий спорт мажмуаси қад ростламоқда.

Қишлоқда 1 гектар майдонни эгаллаётган мажмуанинг ҳисоб-китоб қиймати 1 млрд. тенгени ташкил этади. “SPORT ASSET MANAGEMENT” жамоат бирлашмасининг сармояси эвазига ишга туширилаётган 2та машғулот залининг бирида 9та теннис столи, иккинчисидан 3та кураш гилами, бокс ринги, машқ ускуналари, шунингдек, 15та ётоқ хонадан иборат маъмурий бино жойлаштирилади.

ҚўЧҚОРЛАР КўРГАЗМАСИ



Арис шаҳрида наслдор қўчқорларнинг вилоят кўрғазмаси ўтди. Шаҳар марказий майдонида ўтган тадбирда қўй боқиб, қўчқор етиштирган номзодлар 200дан зиёд қўчқор олиб келиб, ўзаро омадларини синашди. Кўрғазмани арислик тадбиркор, Алмаз Шукирбеков ва шаҳарнинг фаол чорвачилик хўжаликчиси уюштирди.

Тадбирнинг очилиш тантанасида шаҳар ҳокими Гулжан Қурманбекова иштирок

этиб, кўрғазманинг моҳиятига тўхталди. Эзгу ишларнинг ташаббускорлари ва наслдор моллар етиштириш йўналишида фаолият юритаётган хўжаликларга муваффақият тилаб, миннатдорчилик билдирди.

Кўрғазмага олисдан махсус ташриф буюрган ҳурматли меҳмонлар, наслдор қўй етиштирувчи чўпонлар ва йирик хўжаликлар соҳиблари иштирок этди.

Танлов якуни бўйича энг оғир вазни Берик Султаннинг 144 килолик “Мўсин” қўчқори ажралиб турди. Таниқли арис-

лик қўйчивон Ақилбек Алжаннинг “Гектар” лақабли қўчқори 105,5 см. бўйи билан чемпион бўлди. Энг оғир вазнда Бақберген Алжановнинг “Куба” қўчқори қиёфаси бўйича ғолиб бўлди. Шимкентлик Бақтияр Балажанининг машҳур “Тўран” қўчқори 195 кило вазнда ғолиб дея тан олинди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан вазни, бўйи ҳамда ташқи қиёфаси эътиборга олинди, энг яхши қўчқорлар соҳибларига ташаккурнома ва чемпионлик белбоғи, кубоклар топширилди.

ТАДБИР ДОИРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР АНИҚЛАНДИ

Вилотиимиз ҳудудида афроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид тадбирларни жонлантришга, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган “Тоza Қозоғистон” акцияси давом этмоқда.

Бугунги кунда вилоят Полиция департаментининг туман

полиция бўлимлари ходимлари белгиланмаган жойларга чиқинди чиқариш ҳолатларини аниқлаш, ободонлаштириш қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Тоza Қозоғистон” акцияси доирасида жамоат жойларини ифлослантригани учун 14315 нафар шахсга нисбатан маъ-

мурий баённома расмийлаштирилди. Ободонлаштириш қоидаларини бузган, “яшил белбоғ” ҳудудига зарар етказган 533 нафар фуқаро огоҳлантрилди. 230 фуқаро жаримага тортилди. Автомобиль йўллари, темир йўл, бошқа йўл иншоотларга зарар етказгани учун 3777 нафар ҳуқуқбузар жавобгарликка тортилди.

14та КўЧА ТАЪМИРЛАНАДИ

Жетисай шаҳридаги Амангелди кўчасини асфальтлаш, хусусий ва кўпқаватли уйлар олдидаги ариқларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили туман ва шаҳар бюджетидан ажратилган маблағга узунлиги 18,08 чақиримни ташкил этаётган 31та кўча таъмирланган бўлса, жорий йилда 9та кўча асфальтланди, яна 5та кўчани таъмирлаш режаланган.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК АНЖУМАНИ

Тадбиркор Асадулла Қулметов ташкил этган
"BEK GROUP" компанияси – 1 ёшда

Қозоғистон ва Ўзбекистондаги етакчи алюминий ва пластик буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулоти тақдироти бағишланган ушбу мақола муқаддасида 1991 йилги тарихий воқеага тўхталмоқчиман.

Туркистондаги Ҳазрат Хожя Аҳмад Яссавий мақбараси ҳовлисиди Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари Н. Назарбаев билан И. Каримовлар мангу дўстлик, ҳамкорлик ҳақида Туркистон декларациясини имзоладилар.

Қулметов ўз корхонасининг кундалик одимлари, тараққиёти ҳақида видеолар ҳақида маъруза орқали атрофича маълумот берди. Падари бузруквори саломатлиги сабаб Тошкентдаги банк тизимидаги нуфузли ишини ташлаб, Туркистонга қайтиб келган, тадбиркорликни ўз билими, кучига ишониб, мислсиз қийинчиликларни сабот, сабр билан енгган, "BEK GROUP" дек замонавий компания барпо этишга эришган Асадулла Сайфулла ўглининг ҳаёт йўли ёшлар учун



дан, ёмғир-қордан сақлашига ҳам эътибор қаратдилар.

Тадбирда "BEK GROUP" компанияси ҳомийлигида саволларга тўғри жавоб берган иштирокчиларга учта замонавий рақамли телевизор тантанали равишда тақдим этилди.

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров "BEK GROUP" компанияси вакиллари кам таъминланган оилаларга барпо этилган 45та уй қурилишига кўрсатган хайрия ёрдами миннатдорчилик билан қайд этди. Р. Қўчқоровнинг олти йиллик тарихга эга вилоятимиз ўтмишига оид саволига Улуғбек исмли тадбиркор



Шу тарихий ҳужжат асосида икки мустақил давлатлар Президентлари Қ. Тўқаев ҳамда Ш. Мирзиёевлар сай-ҳаракатлари билан дўстона ҳамкорлик алоқалари янги босқичда ривожланмоқда. Хусусан, таниқли тадбиркор, фаол обуначимиз Асадулла Қулметов бунёд этган, алюминий ва пластикдан замонавий эшик-ром, уй жиҳозлари ишлаб чиқарувчи "BEK GROUP" компанияси ташкил этилганига бир йил тўлиши муносабати билан халқаро даражадаги тақдирот ан-



жумани тарих тақозоси билан айнан А. Яссавий мақбараси ҳовлисиди бунёд этилган "Топ тобе" анжуманлар залида юксак савияда ўтди.

Жаҳоннинг ўнлаб давлатлари, хусусан, АҚШ ва Канадага маҳсулот экспорт қиладиган Ўзбекистоннинг машҳур Акфа компанияси вакиллари, хусусан, Ҳасан Қодиров, Жаҳонгир Мухторов, Умид Яхшимовлар корхонанинг бугуни ва истиқболи ҳақида қизиқарли маълумотларни баён этдилар. Ўз навбатида "BEK GROUP" компанияси раҳбари Асадулла

ибрат мактабидир. Оғир кунларда яхши одамлар, хусусан, Ғайрат Маҳкамбой ўғли каби ҳимматли инсонларнинг кўрсатган ёрдами миннатдорчилик билан қайд этди.

Тақдирот маросимида Алматидан ташриф буюрган йирик тадбиркорлар "BEK GROUP"нинг маҳсулотларини харид қилиш шартномасини имзоладилар. Улар турли ҳажмдаги, хусусан, қарийб бинонинг бир девори ўрнини эгаллайдиган, қулай ойнаванд эшик-ромларнинг нозик жиҳатлари – шовқиндан, чанг тўзон-

тўғри жавоб бергани учун қимматбахо совға соҳиби бўлди. Яна бир муҳим жиҳати – икки соат давом этган анжуман танаффусида иштирокчилар ноз-неъматларга тўла дастурхонга таклиф этилди. Янги иш ўринларини яратиб, аҳолига сифатли, қулай ва мақбул баҳодаги маҳсулотларни етказиб бераётган "BEK GROUP" жамоасига муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.
Муаллиф тасвирлари.

Обуначиларимиз орасида



Саврон тумани, Ўранғай қишлоғидаги М. Аюезов номли умумтаълим мактабига янги раҳбар – Нуржан Қадиров тайинланди.

М. АЮЕЗОВ НОМЛИ МАКТАБДА ЯНГИ ДИРЕКТОР

Н. Қадиров 1981 йили туғилган. Ўрта мактабдан сўнг, А. Яссавий номидаги ХҚТУ-нинг Кентов шаҳридаги экология куллиётини "Экология ва биология" ихтисослиги бўйича тамомлаган. 2002 йилдан бошлаб М. Қазобеков номидаги умумтаълим ўрта мактабиди биология ва валеология фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 2017 йили М. Қазобеков номли умумтаълим мактабига директор этиб тайинланган. Умумий педагогик меҳнат тажрибаси

22 йил, раҳбарлик тажрибаси 7 йилни ташкил этади.

Меҳнат фаолияти давомида шаҳар ва туман таълим бўлимларининг ташаккурномалари ҳамда ўқитувчиларнинг шаҳар, вилоят спартакиадаларидаги эришган ютуқлари учун Фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Нуржан Адилханулига буюк адиб М. Аюезов номидаги мактабига раҳбарлик қилишда муваффақият тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

"АМАНАТ" партияси Сайрам тумани филиали мажлислар залида Сайрам туман ПБ ташаббуси билан "Оилавий зўравонликка йўл йўқ" мавзусида давра суҳбати ўтди.

Мақсад – вилоят ички ишлар бошқармасининг 2024 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлари режасига мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, болалар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида жамоатчиликни воқиф этиш, оиладаги зўравонликка барҳам бериш, фуқароларнинг полицияга ишончини оширишдан иборат эди.

Тадбирда Қорабулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Мухлис Эгамбердиевнинг му-

рожаати кўриб чиқилди. Унинг муаммолари диққат билан тингланиб, туман прокуратураси ва ички ишлар органлари томонидан тегишли ишлар олиб борилаётгани айтилди.

Тадбирда вилоят маслаҳати депутатлари, "АМАНАТ" партияси фракцияси аъзолари Нуржан Жамалбеков, Саидрасулхон Эралиев, туман партия филиали масъул котиби Қуниш Сиздиқов, туман маслаҳати депутатлари Расул Юсупов, Абзал Қазанқаров, партия назорати комиссияси раиси Акмалжон Исоқов, Сайрам туман прокуратураси прокурори Сарикбек Арман, туман ПБ Хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўлими ноизири Алихан Аюезов ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлари, мустақил бошқармалар ходимлари, қишлоқ ҳокимлари, таълим бўлими хо-



димлари, боғча мудирлари, ота-оналар, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш якунида иштирокчилар келгусида ушбу тадбирни мунтазам ўтказиш юзасидан қатор таклифлар билдиришди.

Аюезов АЛИХАН,
туман ПБнинг
Хотин-қизларни
зўравонликдан
ҳимоя қилиш
гурухи ноизири.

Бир туман хабарлари

"АМАНАТ"НИНГ ТУҲФАСИ

Сайрам тумани маданият уйида "АМАНАТ" партияси шафелигида ўтган тадбирда 30 нафар ўқувчи мактаб либослари ва ўқув куроллари топширилди.

Тадбирда "АМАНАТ" партияси Туркистон вилояти бўлими раиси Алтинсари Умбеталиев, "АМАНАТ" партияси туман бўлими ижроия котиби Қуниш Сиздиқов, туман ҳокими ўринбосари Мадиёр Алипов, туман маслаҳати депутатлари, БПТ раислари, қишлоқ ҳокимлари ва ҳомийлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган Алтинсари Дуйсенбекули таълим соҳасида янги ўқув йилида эришиладиган муваффақият ва ютуқлар мўл бўлишини тилади.

ТОЗАЛИК – ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Туман ҳокимининг ўринбосари М. Алипов раислигида ўтган йиғилишда қишлоқ ҳокимлари ва бўлим раҳбарлари иштирок этдилар. Унда туман ҳокими раислигида ўтган йиғилишда берилган топшириқларнинг ижроси муҳокама қилинди.

Бу ҳақида туман ҳокими девони ташкилий-нозирлик бўлимининг раҳамлаштириш ва давлат хизмати таҳлили шўъбаси бош ноизири Дастан Жаппаров маъруза қилди.

Жумладан, у аҳоли манзилларида санитария тозаллиги, ободонлаштириш борасида аниқланган камчиликларни баён қилди. М. Алипов

ободонлаштириш ишларини жадаллаштиришни топширди. Акс ҳолда, масъул ходимларнинг жавобгарлиги масаласи кўрилишини эслатди.

УНУТИЛМАС УДУМЛАР – БАРҲАЁТ

Қорабулоқ қишлоғида "Тоza Қозоғистон!" тадбири доирасида кўчалар ҳашар йўли билан тозаланиб, ободонлаштириш ишлари жадал юритилмоқда.



Жумладан, Аҳмаров ва Убайдуллаев кўчаларининг чорраҳасига арklar ўрнатилди ва кўчаларнинг номи ёзилган тахтачалар тартибга келтирилди.

Таъкидлаш жоиз, қишлоқда шанбаликлар мунтазам ўтказилмоқда.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тозалик ишлари жадал олиб борилмоқда.

ЕМХАНАГА ТЎРКЕЛУГЕ ӨТИНІШ ҚАНША УАҚЫТ ІШІНДЕ ҚАРАЛАДЫ?

Электрондық үкімет порталы арқылы тіркеуге өтінім берген жағдайда, тіркеу 1 жұмыс күні ішінде жүзеге асырылады.

Негізден менің бүкіл отбасым бір отбасылық дәрігерге тіркелу керек?

Алғашқы медициналық-санитарлық көмек көрсету отбасылық бақылау принципіне негізделген. Отбасылық дәрігер бүкіл отбасының өмір салтымен, сондай-ақ оның әр мүшесінің мінез-құлқымен немесе тұқым қуалайтын ерекшеліктерімен таныс болғандықтан, дәрігерге осы отбасы мүшелерінің салауатты өмір салтын ұстануды қалыптастыру, мүмкін болатын аурулардың алдын алу және емдеу оңайырақ болады. Осындай тәсілмен медициналық көмек көрсету кезінде оның сапасы да айтарлықтай артады.

Неге жақын жерге тіркелу маңызды?

Алғашқы медициналық-санитарлық көмек (МСАК) көрсетудің негізгі қағидаты – аумақтық қолжетімділік болғандықтан, пациенттерге бірінші деңгейдегі медициналық көмекті дәл жаяу қолжетімділік шегінде (15-20 минуттық жаяу жүру) алу неғұрлым ыңғайлы болады. Мұның артықшылығы – үйде медициналық көмек алу мүмкіндігін арттыру.

Мен бір уақытта бірнеше емханаға тіркелу аламын ба?

Тіркелу сіздің жеке сөйкестендіру

нөміріңіз (ЖСН) бойынша жүзеге асырылатындықтан, сіз тек бір емханаға тіркеле аласыз, бұл ретте бұрынғы емханадан есептен шығару автоматты түрде жүргізіледі.

Егер мен тіркеу науқаны кезінде өтініш білдірмеген болсам, мені басқа емханаға тіркей ме, әлде мен өзім тіркелген жерде қаламын ба?

Егер сіз халықты медициналық-санитариялық алғашқы көмек көрсететін ұйымдарға (15 қыркүйектен 15 қарашаға дейін) тіркеу науқаны кезінде тіркелуге өтінім берсеңіз, онда сіз жаңа емханада медициналық көмекті келесі жылдың 1 қаңтарынан бастап ала аласыз.

Мен тіркелу науқаны кезінде басқа емханаға тіркеуге өтініш бердім, ол жерден қашан медициналық көмек ала аламын?

Егер сіз халықты медициналық-санитариялық алғашқы көмек көрсететін ұйымдарға (15 қыркүйектен бастап 15 қарашаға дейін) тіркеу науқаны кезінде тіркелуге өтінім берсеңіз, онда сіз жаңа емханада медициналық көмекті келесі жылдың 1 қаңтарынан бастап ала аласыз.

Гулназа МАУЛЕНОВА,
"Jacksoft MDS" клиникасының аймақтық дәрігері.
Түркістан қаласы.

ОЛОВҚАЛЬ ӨШЛАР – ЭЛ ХАЗИНАСИ

Түлөбий тумани "Өшлар имконият маркази"нинг ташкилотчилигида Халқаро өшлар кунига бағишланган "Оловқаль өшлар – эл хазинаси" мавзуида волейбол буйича вилоят турнири ўтди.



Өшларни спортга қизиқтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, вилоят өшлари ўртасида дўстона муносабатлари муштақамлаш мақсадида уюштирилган мусобақада 17та жамоа иштирок этди. Тадбирнинг очилишида сўзга чиққан вилоят "Өшлар имконият маркази" раҳбари ўринбосари Пердөбек Эскулов иштирокчиларни байрам билан табриқлаб, беллашувда муваффақият тилади.

Турнир қизиқарли баҳсларга бой бўлди. Мусобақа натижаларига кўра, Байдибек тумани жамоаси 1-ўринни эгаллаб, 100 000 тенгени кўлга киритди. Иккинчи ўрин Қазигурт туман волейболчиларига насиб этди (70 000 тенге). Саврон туман спортчилари учинчи ўринни эгаллаб, 50 000 тенге билан кифояланишди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



ӨНГИН-ҚУТҚАРУВ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида өнгин-қутқаруш пункти очилди. Қорамурт ва Низомобод қишлоқларида истиқомат қилувчи қарийб 17133 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган муассаса Ҳ. Ниғмаджонов кўчаси буйидаги бинода фаолият юритади.

Мазкур өнгин-қутқаруш шохобчасининг ишга туширилиши қишлоқ аҳолисига техноген ва табиий фавқулодда вазиятларни бартараф этишда ёрдам бериши шубҳасиз.

Ҳозирда туман ҳудудида 6-сонли давлат өнгин хавфсизлиги бўлими, 17-сонли ва 23-сонли өнгин-қутқаруш пунктлари фаолият юритмоқда.

Шунингдек, қишлоқ округларида жами 138та ходимдан иборат 11та кўнгилли ўт ўчириш тузилмалари фаолият юритмоқда.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Хотира – муқаддас

МИРПЎЛАТ МИРЗОНИ ЭСЛАБ

Хотира – инсониятга берилган муқаддас туйғулардан бири. Эл-юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилганларнинг хизматини эътироф этиш, хотирлаш кичик авлод вакилларининг бурчи. Ҳамюртимиш – шоир, таржимон, журналист, публицист Мирпўлат Мирзо ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга ижодкор эди. Адиб ҳаёт бўлганида 20 август куни 75 ёшни қаршилаган бўлар эди... Шу муносабат билан шоир шакллантирган Тошкент шаҳридаги “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятига хизмат сафари билан бориб, унинг қадрдон ҳамкасблари, шогирдлари, ҳаммаслақлари билан Мирпўлат Мирзо ҳақидаги хотираларини тарих зарвақларига муҳрлашга жазм этдик.



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

Мирпўлат МИРЗО (Мирзаев) – 1949 йил 20 августда Сайрам қишлоғида туғилган. 1956-1960 йилларда М. Маметова, 1960-1966 йилларда Фрунзе (Ал-Фаробий) номи мактабларида таҳсил олди. 1966-1971 йилларда Тошкент Давлат Университетининг “Журналистика” факультетини ўқиди. 1971-1981 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Кўмитасининг “Ёш гвардия” нашриётида муҳаррир, 1981-1986 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб, котиб ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. Унлаб китоблари нашр этилган. Таржима соҳасида ҳам сермахсул ижод қилган. Рус шоирларининг шеърлари таржимаси учун Россиянинг “Пастернак”, Қозғоғистоннинг “Алаш” халқаро мукофотларига сазовор бўлган. “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби. Сайрам туманининг Фахрий фуқароси.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири:

– Мирпўлат Мирзо ўзига хос ижодкор, шахс сифатида шаклланган қадрдон дўст, ҳамкор, қолаверса, дала ҳовлидаги қўшнимиз эди. Мен ўқишга кечроқ келганим учун Мирпўлат биздан юқорироқ босқичда ўқир эди. Мирпўлат билан пахтада, Мирзачўлда танишганмиз. Зийрак, ҳозиржавоб эди. Филология ва журналистика факультети талабалари кечқурунлари гулханлар ёқиб, шеърхонлик ўтказардик. “Қувноқлар ва зукколар” ўйинида ўзаро беллашардик. Мирпўлат уларда жуда фаол қатнашарди. Биз Мирпўлатдан Миртемир домла ҳақида кўп сўрардик. Чунки, у “домла биз томонда туғилган” деганди. Миртемир домлани кўрмаганимиз учун у ҳақида кўпроқ маълумот

Иброҳим Фафуров, Нуралӣ Қобул, Азим Суяно, Турсунали Ўрмонов, Мирпўлат Мирзо ва мен адабиёт ҳақида, таржима санъати ҳақида кўп сўхбатлашар эдик. Албатта, ош қилардик. Лекин, муҳокама кучайиб, ош ҳам эсдан чиқиб кетарди. Шеърлар ўқиларди. Бир-биримизга талабчанлик кучли эди. Камчиликларимизни рўйи-рост айттардик. Афсуски, ҳозир одамлар танқидни кўтаролмайди. Шодмонбой Отабековнинг “Дўрмон хангомалари” китобида катта бир бўлим Мирпўлат Мирзога бағишланган. (Шодмонбой Отабек бетоблиги боис у билан учрашнинг иложи бўлмади). Чунки, Мирпўлат сўзга уста, гапга чечан, ҳозиржавоб эди. Дўрмонда бир жамоадек бўлиб қолгандик. Мирпўлатдан эрта айрилишимиз, бизга оғир бўлди... Адабиётда Мирпўлатнинг изи қолди, ундан катта мерос қолди. Тўра Сулаймоннинг тили Миртемир домланинг тилига яқин эди. Унда қадим туркий сўзлар кўп. Мирпўлатнинг ижодида ҳам Туркистон мавзуси, қардошлик мавзуси, одамларни яқинлаштириш устувор эди. Журналистикда қозоқ, қирғиз адабиётидан намуналар бериб бормоқдамиз. Биз уни яна кўпайтиришимиз зарур. Ягона умумтуркий адабий мухитини яратишимиз керак. Мирпўлат дўстимизнинг охиратлари оғаб бўлсин. “Жанубий Қозғоғистон” газетаси эзгу ишчи бошлабди, ишингларга ривож тилайман.

Алимурод ТОҶИЕВ, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррирининг ўринбосари:

– Устозимиз Мирпўлат Мирзо жуда катта қалб эгаси эди. Жуда самимий одам эди. Хокисор, камтар одам эдилар, раҳматли. Бутун умр адабиёт учун хизмат қилдилар. Ўзбек адабиёти, таржимачиликда катта хизматлари, меҳнатлари бор. Умуман олганда, бутун умрини адабиётнинг ривожига, захмати, машаққатига бағишлади. Мирпўлат ака, айниқса, қозоқ адабиётининг дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилишда сермахсул ижоди билан кўзга тушди. Ўлжас Сулаймонов, Мухтор Шаханов ва бошқа шоирларнинг шеърларини таржима қилишдаги хизматларини эслаш ёш авлод олдидики гап эди. Қозоқ адабиётидан қилган таржималари “Жаҳон адабиёти” ва турли нашрларда эълон қилинди ва “Сайра дўмбира” китоби нашр этилди. Қолаверса, Мирпўлат ака, рус адабиётининг улкан билмидони эди. Устозда рус адабиётига нисбатан ўзгача муҳаббат, завқ бор эди. Рус

ҳам Ёзувчилар уюшмасида тадбирда иштирок этишдан аввал таҳририятга кирди. Кўришдик, омонлашдик. Кейин тадбирда иштирок этиш учун чиқиб кетди... 4-5 соат олдин кўришган устознинг вафоти тўғрисидаги хабарни эшитиб, қарахат аҳволга тушиб қолдик... Мирпўлат ака жуда бағри кенг одам эди. У муаммоларга, майда-чуйда нарсаларга кўп ҳам эътибор бермас эди. Бутун ҳаёти давомида олижаноб инсон бўлиб яшади. Кўпчилик ҳамкасблари, шогирдлари устознинг шу жиҳатларини кўп эслашди. 2009 йилда Ўзбекистон Миллий Университетининг ўзбек филологияси факультети аспирантурасининг 1-босқич талабаси эдим. Ўзлари мени ишга олдилар. Мирпўлат аканинг имзоси билан 2009 йилда ишга кириб, 15 йилдан буён шу даргоҳда фаолият юритмоқдамиз. Шу одамнинг дуоси, оқ йўли билан шу ерда ишлаб юрибман. Мирпўлат ака ҳақида жуда кўп хотиралар, эслашга арийдиган лаҳзалар бор. Авваламбор, устоздан одамийликни ўргандик. М. Мирзо ҳам ижодкор эди, ҳам шахсияти бутун, қалби тоза шахс эди. Инсонни ҳар қандай вазиятда тушунарди, тушуна олиш салоҳиятига эга эди. Қандай ҳолат, мушкул вазият бўлмасин, устозга тушунтириб ўтиришнинг ҳолати йўқ эди. У кайфиятингиз, туришингиздан барчасини билиб оларди, шунга яраша баҳо беради. 6-7 йил давомида бирга ишлаган бўлсак, бир марта қаттиқроқ койганим, жаҳли чиққанини, овозини баландатганини эслолмайман. Балки, кўнгилга оғир боғлан хатоларимиз бўлгандир, балки билиб-билмай нотўғри ишлар қилган-

Бўйдоқлигимиздан сирдош, ҳамфикр бўлдик. Ундан кейин “Ёш гвардия” нашриётида мусахҳчиликдан иш бошлаб, муҳаррирлик лавозимига кўтарилдик. Қатор ёш ижодкорларнинг китобларига муҳаррирлик қилдик. Бағрикенг, очикўнгил, арзимаган нарсадан ҳам хурсанд бўлиб кетадиган одам эди. Сайрамда кўп меҳмон бўлганмиз. Қишлоқ менга жуда ёққан. Ўзим ҳам Фарғонада туғилиб, ўсганман. Учрашувларга олиб борди, авлиёларни зиёрат қилганмиз. У кўп ўқирди, ўз устида тинимсиз ишларди. Рус адабиётига қизиқиши кучли эди. Мени таржимага Мирпўлат ака даъват қилган. Япон шеърятидан кўплаб таржималар қилдим. Ҳаёт бўлганида 75 ёшга тўларди. Аллоҳ раҳматига олинсин, дўстимизни.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон-Қирғизистон дўстлик жамияти раиси, Ёзувчилар уюшмасидаги бадий таржима кенгаши раиси, халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги:

– Хуллас, Мирпўлат ака билан Навоий кучаси, 30-ўйда узоқ йиллар бирга ишладик. Бир жойда кўп йиллар бирга ишлаган одамлар орасида бир-бирига кўнгли яқин одамлар ажралиб туради. Мен Мирпўлат ака билан аслида битта ташкилотда ишлаганман, лекин ўзаро кўришиб, бир-биримизга ҳамсухбат бўладиган одамлар эканмиз чоғи. Бу, биринчидан. Иккинчи сабаб, менинг фикримча, Мирпўлат ака одамларнинг



риб келгач ҳам, у тиним билмай меҳнат қилди. Мирпўлат ака ўз ҳаётининг чиройли, бадастир бўлишини истарди. Ва шу йўлда меҳнатдан қочмасди. У куйиб, ёниб яшади. Рус адабиётининг “Қумуш асри”га тегишли шоирларнинг ижод намуналарининг таржимаси билан шуғулланди. Бежиз таржима йўналишидаги журналининг раҳбари эмаслигини меҳнат фаолияти давомида исботлади. Уни мен музёра кемага қиёслардим. Хуллас, Мирпўлат ака мен билган яхши одамларнинг бири эди.



Ханбиби ЕСЕНҚАРА қизи.

Ханбиби ЕСЕНҚАРА қизи, ҚРда хизмат кўрсатган ходим, халқаро “Алаш” мукофоти, “Парасат”, “Барыс” ордени соҳибаси:

– Мирпўлат Мирзо ўзбек халқининг истеъдодли шоири. Биз бир даврда, бирга қалам тебратдик. 80-90-йилларнинг олдинги сафдаги шоирлари эдик.

У шу даврнинг ўзида СССР ёшлар мукофотининг лауреати бўлган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг иккинчи котиби бўлган даврларидаёқ, Қозғоғистон ва Ўзбекистон ижодкорлари орасидаги яқинлик, қардошлик, дўстликни улуглаб, бизнинг шеърларимизни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этиришда тинмай меҳнат қилди. Натияжада ўзбек тилидаги “Сайра дўмбира” тўплами дунёга келди.

Мен ҳам Мирпўлатнинг шеърларини қозоқ тилига ўйганман. Унинг лирик шеърлари шеърят ихлосмандларининг қалбидан жой олиб, шоир аҳлининг қадрини яна бир поғона юксалтирди.

Биз, нафақат бир даврнинг ижодкорлари бўлдик, балки, қалбан яқин одамлар эдик. Ўзи Қозғоғистонда туғилганлиги боисми, Тошкентда ўтган ўн кунликларда, турли йиғинларда бизга алоҳида меҳр кўрсатиб, туғишганидек муносабатда бўларди. Мирпўлат кейинчалик “Жаҳон адабиёти” журналига муҳаррирлик қилди. Унда ҳам қозоқ ёзувчи-шоирларининг ижод намуналарини нашр этириб турди.

У меннинг 50, 55, 60 ёшга тўлишим муносабати билан ўтказилган юбилейларнинг барчасида иштирок этди. Мирпўлат саҳнага кўтарилганда, барчамиз унинг ҳазилларини интизорлик билан кутардик. Олтмишга тўлганимда, Мирпўлат тўйхатини ўқиб бўлгач, “Хонбиби, сенинг барча тўйларингда қатнашам. Агар 80 ёшигда кела олмаман, “Ҳа, Мирпўлат дўстим, вафот этиб кетган бўлса керак, деб ўйлаб қўяқол”, деб ҳаммани кулдирган эди.

У билан оилавий борди-келди қилардик. Бир сафар келганида, дастурхондаги гўштни кўриб, “Э, дўстим, бу гўшт билан бир қишлоқни тўйдиришга бўлади-ку”, деб кулдиргани ҳам ёдимда.

Менинг спортчи куёвим Асқар Швейцарияга учишда самолётдан кеч қолиб, Мирпўлатнинг уйда уч кун “меҳмон” бўлганди. Шунда у аёли билан меҳмондўстлигини кўрсатишгани эслаб қўямиз.

Доим ҳамроҳлари бўлган Носир Фозилов, Тоҳир Малик, Азим Суянолар ҳам дунёдан ўтиб кетишди.

Тупроғинг енгил, имонинг саломат бўлсин, Мирпўлат дўстим!

Хуршид ҚЎҚОРОВ.



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ билан.

олишга интилардик... Мирпўлат яхши шоир эди. Яхши шоиргина яхши таржимон бўлади. Мирпўлат узоқ йиллар рус адабиётининг намуналарини ўзбек тилига таржима қилди. Таржималарини Москвага жўнатиб, эътирофлар олди. Умрининг сўнгги йилларида Озод Шарофиддинов домланинг ёнларида турди. Журналист, жамоани, адабларини шакллантиришда хизматлари беқиёс. Натияжада “Жаҳон адабиёти” журнали ўзбек адабиётини ўз ўрнига эга бўлди. Ҳозир биз Озод домла, Мирпўлат бошлаган ишни давом эттиряпмиз. Мен Мирпўлатни деярли ҳар куни эслайман. Сабаби, дала ҳовлида қўшни бўлдик, иморатларни бирин-кетин, бир-биримизга сунячлик бўлиб қурдик. Эрталаб қўлга калтак олиб, пийда сайр қилиш ҳозир урфга айланиб кетди, мен буни биринчи бўлиб, Мирпўлатда кўрганман.

адабиётдаги таржималари “Ложувард осмон остида” номи билан китоб ҳовлида чоп этилди. Мирпўлат ака 1997 йилдан 2013 йилгача “Жаҳон адабиёти” журналида бош муҳаррир ўринбосари вазифасини аъло даражада адо этди. Раҳматли Озод Шарофиддиновнинг ҳам ўринбосари, ҳам шогирди сифатида, худди фарзандидек хизмат қилди. Шогирд сифатида Озод домланинг мактабини ўтади, дуоларини олди. Натияжада, адабиётшунос олимнинг кўпдан-кўп эътирофи, оқишларига сазовор бўлди. Мирпўлат ака, бутун умр адабиётнинг ичиде яшади, нафас олди, туйғуларини юксалтирди. Умрининг сўнгги лаҳзаларигагача шеър ишқи, таржима ишқи билан ёнди. Мирпўлат аканинг ўзига хос ҳазиллари, лутфлари, муомалалари бор эди. Одам у билан гаплашиб тўймасди. Вафот этган куни



Турсун Али ва Алимурод Тожиёв билан.

дирмиз, лекин, устоз ҳеч қачон буни юзимизга солмаган, жаҳл қилмаган. Тетапоё вақтимиз, ижарама-ижара юриш, бола-чақа боқиш ташвиши, бир нечта жойда ишлашга тўғри келарди. Устозларнинг ўрнига дарс берадим. Ишхонага келиб, кайфиятларини билиб олиб, ўзимни кўрсатиб олиш – мен учун бир тоғдан ошиб ўтишдек гап эди. Энг оғир гаплари “Ишхонада ҳам кўриниб туриш керак”, дердилар. Мирпўлат ака жуда синчков одам эди. Кимнинг ижод намунаси, таржимаси кетаётган бўлса, албатта, кузатиб борарди. Бошқа нашрлардаги мақолаларим, илмий ишларимни ўқиб борарди. Ҳайрон қолардимки, шу нарсаларга вақт топшига, шу одамга у нарсалар керакми, деган саволлар берардим ўзимга. Устознинг синчковлиги, эътиборлигидан ҳайратга тушардим. Ҳамма нарсани қозоғга ўраб, ҳазил билан ўтказишлари ҳайрон қолдирарди. Охиратлари обод бўлсин, устознинг қалби меҳр билан тўлиб-тошган эди. Кўнгиллари, туйғулари соф эди.

Турсун АЛИ, ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бирга фаолият юритган:

– Мирпўлат Мирзо билан талабалик вақтимизда танишганмиз. “Гулистон” журналида илк шеърлари чиққанда, унга Абдулла Орипов оқ йўл, тилакларини ёзган. Мирпўлат ака шундан кейин фаол ижод билан шуғулланди. Таржима соҳасида ҳам сермахсул ижод қила бошлади. Мирпўлат ака жуда серғайит эди. Таржима ишини бошласа, уни тугатмагунча, тиним билмасди. Иш-ни битиргач, завқ билан ўқиб берарди.

кўнглини топа оладиган, камтарона ҳаёт кечирадиган, ҳатто, кимлардир унинг олдига хезланиб ўтса, “марҳамат ўтинг”, дейдиган одам эди. Бу билан, албатта, Мирпўлат ака пастга тушиб қолмасди. Кейинчалик у одамлар ўзларининг ўрнини билиб, Мирпўлат аканинг феъл-атворида ҳайрон қолишарди. Бизнинг галати бир аънанамиз бор эди. Бир бинода ишлаганимиз учун, асосан, тушиқда кўришардик. Полиграф комбинати ётоқхонасининг биринчи қавати ошхона эди. Уша ерда таржимон Тўлқин Алимов, Турсунбой Адашбоев, Мирпўлат Мирзо яна 10-15 одам бирга тушиқ қилардик. Кўпчилик нафақага чиққандан кейин ҳам ҳар чоршанба шу ерда тўпланишардик. Суҳбатимиздан бахраманд бўлиш учун хўрандалар, ошхона хизматчилари ўраб олишарди. Шу даврнинг гули Турсунбой Адашбоев ва Мирпўлат Мирзо эди. Чунки уларнинг хотираси мустаҳкам эди. Мирпўлат ака одамларнинг муаммоси, ичидаги дардини яхши сезарди. Даврадагиларнинг муаммосини иложи борича ҳал қилиб берарди, қўлидан келмаса, бошқаларга ибрат бўлиши учун мақола қилиб ёзарди. Мирпўлат ака юксак ташкилотчилик қобилиятига эга эдилар. “Жаҳон адабиёти”дан аввал у Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари сифатида иш юритган. Шунда у кўпчиликка ёрдам қўлини чўзган. Мустақилликкача бўлган даврда ёш ижодкорларга ер участкаси, дала ҳовли, уй бериш масалаларида жонбозлик кўрсатган. М. Мирзо ҳамма нарсанга улғурушга ҳаракат қилар эди. Юрагини Ҳиндистонда жарроҳи қилди-

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазжон БҮРҒОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазғурт – Хуршид ҚЎҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон СҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тупқибшо – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саруоғоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларидаги факт ҳақида даъватларни тўғридан тўғри ифтихорлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPU0022503 сувоҳнома берилган.
«ERNUR» тўғрисида МҲБ Босмахонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши – 65466. Адади – 11200 нусха.

Бюроғимиз 2020. Набғачи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.